

## Муҳтарам жамоат!

Жаҳонда икки мингдан зиёд миллат вакили истиқомат қилса, уларнинг ҳар бири ўз тарихи, қадрияти, урф-одати билан барҳаётдир. Худди шундай, бизнинг миллатимиз ҳам шонли тарих ва буюк келажакка эга. Дунё халқлари орасида алоҳида ажralиб турадиган жиҳатларимиз, фазилатларимиз бисёр.

Сўнгги йилларда ташқи дунёда бўлаётган ғоявий курашлар, тинчлик осойишталикка таҳдидлар ва миллий ўзлигимизни издан чиқаришга бўлган уринишлар кўпайиб бормоқда. Шу боис, бугунги мураккаб даврда миллийлигимизни, ўзлигимизни асраб-авайлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолди.

Маълумки, Ўзбекистон миллий давлатчилиги З минг йиллик тарихга эга. Миллийлик эса миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади. Бундай анъана ва қадриятларини ташқи кучлардан ҳимоя қилмаган миллат йўқ бўлишга маҳкумдир.

Тарихдан маълумки, Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари жасорат билан майдонга чиқишиган ва авлодлар озод-хур яшашлари учун жонларини фио қилишган. Масалан, ватандошимиз Шайх Нажмиддан Кубро ўз юртини душман ҳамлаларидан тўсиб, сўнгги нафасига қадар миллатини ҳимоя қилгани ёки ўша даврдаги яна бир аждодимиз Жалолиддин Мангуберди душманга қарши мардонавор курашгани минг йилларда давомида инсонлар ёдида сақланади.

Шундай экан, биз фарзандларимизнинг баркамоллиги, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, аждодларига муносиб авлод бўлиши учун доимий қайғуриб, курашмоғимиз даркор. Шунда халқимизнинг миллийлик қиёфаси, дунёқараши, қадриятлари, бир сўз билан айтганда миллий туйғулари яққол намоён бўлади.

Муҳтарам Президентимиз бошчиликларида **"Биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!"** – деган шиор асосида олға интилаётган халқимиз ҳозирги кунда жисплашиш ниҳоятда зарур эканини англаб етмоқда. Бу шиор остида амалга оширилаётган ислоҳотлар одамларимиз эркин, фаровон ва баҳт-саодатда яшашлари учун янги имкониятлар эшигини очади.

Ислом дини манбаларида башарият турли миллат ва элат қилиб яратилгани ва ўзаро турли муносабатларда ҳамжиҳат бўлиб яшашларига ундалгани баён этилади. Бу ҳакда Куръони каримда бундай дейилади:

“Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг хурматлигингиз энг тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир” (*Хужурот, 13*).



Демак, инсонларнинг турли халқлар, миллатлар, әлатлар, қабила ва уруғларга бўлинишининг асосий сабабларидан бири ўзаро танишиш ва маърифат ҳосил қилишдир. Шу боис ҳам ҳар бир миллат ва әлат ўзининг маънавий ривожланиши устида қайғуради ва дунёда халқ сифатида барҳаёт бўлишга доимо интилади. Демак, миллатимизни тараққий эттириш, эзгу қадриятларимизни камол топтириш динимиз талабидир.

Яна бир бошқа ояти каримада: “**Унинг белгиларидан (яна бири) - осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларинг ва рангларингнинг хилма-хиллигидир. Албатта, бунда барча оламлар учун аломатлар бордир**”, дейилган (*Рум*, 22).

Она тили ҳар бир миллатнинг руҳи, давлатнинг тимсоли ва маънавий савияни яққол ифода этадиган мезон. Маърифатпарвар Абдулла Авлоний бобомиз айтганидек: “**Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғин кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур**”.

Шундай экан, миллат борки, ўз тарихи, тили, дини, урф-одати, анъана ва қадриятлари бўлади. Бу урф-одатлар ва анаъналар миллатнинг савиясини, заковати, эътиқоди, инсоний одоб-ахлоқлари ҳамда халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида акс эттиради.

Бугунги даврда ҳам ўз миллий қадриятларига мустаҳкам суюниб келаётган халқимиз бекиёс маънавий фазилатлари – ватанпарварлик, аждодлар хотирасига садоқат, катталарга эҳтиром, кичикларга иззат, ота-онага ҳурмат, қариндошлик ришталари, меҳмонни улуғлаш, ибо-ҳаё, орномус, ўзаро салом-алиқ, яхши қўни-қўшничилик, bemor зиёрати, хурсандчилик ва мусибат вақтида ҳол-аҳвол сўраш, хайр-эҳсон қилиш каби умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган урф-одатлар билан бошқалардан ажралиб туради.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, биз яшаб турган юрт аҳлининг миллий урф одатлари, анъана ва қадриятларининг жудаям кўп қисми муборак динимиз таълимотлари билан чамчарчарс боғлиқдир.

Тараққиётимизнинг кейинги даврида хукуматимиз миллий урф одатлар, азалий анъаналар ва ўзлигимиз ҳимоясига янада дикқатли бўлмоқда. Зеро, халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бугунги таҳликали замонда энг муҳим вазифадир.

Аллоҳ таоло миллийлигимиз, ўзлигимиз ва азалий қадриятларимизни мустаҳкам қилсин.

